

\_\_\_\_\_ тумани (шаҳар) мактабгача таълим муассасаси  
ва тарбияланувчининг ота-она (ёки ота она ўрнини босувчи) ўртасида  
тузиладиган  
**НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**  
\_\_\_\_\_ -сон

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)  
\_\_\_\_\_ тумани (шаҳар) мактабгача таълим бўлими  
тасарруфидаги \_\_\_\_\_-сонли мактабгача таълим муассасаси (бундан буён матнда  
муассаса деб юритилади) номидан устав асосида фаолият юритувчи  
рахбари \_\_\_\_\_ бир тарафдан ва \_\_\_\_\_  
(боланинг тузилган йили ва Ф.И.О.) нинг (бундан буён матнда тарбияланувчи деб  
юритилади) отаси (онаси) \_\_\_\_\_ (боланинг отаси,  
онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг Ф.И.О.) (бундан буён матнда ота-она  
деб юритилади) иккинчи тарафдан, биргаликда тарафлар деб юритилади, мазкур  
шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Муассаса мазкур шартнома шартларига асосан тарбияланувчининг барча ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда унга сифатли таълим-тарбия бериш, соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароит яратиб бериш мажбуриятини, ота-она эса тарбияланувчини муассасага топшириш, тарбияланувчининг муассасадаги таъминоти учун бадал тўловни ўз вақтида амалга ошириш ва муассасанинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини олади.

2. Мактабгача таълим муассасаларидаги болалар таъминоти учун тўланадиган тушумлар назарда тутилган бошқа бюджет маблағлари билан бирга мақсадли тартибда тарбияланувчиларни озиқ-овқат билан таъминлашни ҳамда муассасанинг моддий-техник базасини яхшилашга, авваламбор, санитария-гигиена воситалари ва юмшоқ инвентарлар харид қилишга мақсадли тартибда йўналтирилади.

Бунда муассасанинг моддий-техника базасини яхшилашга йўналтириладиган маблағлар миқдори жами йил давомида ота-оналар тўловидан тушган маблағларнинг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

## II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### **3. Муассаса қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

а) муассаса ходимларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, кадр-қиммати ва қизиқишларини ҳимоя қилиш;

б) муассаса уставида белгиланган тартибда ота-онанинг истагидан ҳамда, тарбияланувчининг ёш хусусиятидан келиб чиқиб болани гуруҳга тақсимлаш;

в) тиббий кўрик ва тарбияланувчининг касалланиши натижасида унинг муассасада бўлишини тақиқловчи ҳоллар аниқланганда шифокор томонидан берилган тегишли тиббий хулоса берилган вақтларда уни муассасага қабул қилишни рад этиш;

г) тарбияланувчининг муассасада бўлган даври учун тўланадиган бадал тўлови ҳар ойнинг 15-санасидан кейин икки ҳафта мобайнида узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда, ота-она билан тузилган шартнома муассаса томонидан бир тарафлама бекор қилиш мумкин;

д) шартнома бекор қилинган ҳолларда муассасага бола қатновини тиклаш (келмаган кунлари учун тўлов қопланган тақдирда) ёки янги қабул қилинган болалар учун белгиланган тартибда амалга ошириш;

е) тарбияланувчини оила муҳитида тарбиялаш бўйича тегишли таклифлар бериш;

ж) муассасада зарур моддий-техник база ҳамда малакали педагог ходимлар мавжуд бўлган тақдирда, асосий таълим-тарбия жараёнига халақит бермаган ҳолда ота-оналар хоҳишига кўра пуллик таълим-тарбия хизматларини кўрсатиш;

з) муассасадаги тиббиёт хамшираси томонидан тарбияланувчини кунлик филтрациядан ўтказиш жараёнида болада муассасада бўлишни таъқиқлайдиган касаллик аниқланганда уни муассасага қабул қилишини рад этиш.

#### **4. Муассасанинг мажбуриятлари:**

а) туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими ҳузуридаги Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссияси тарафидан бериладиган йўлланма асосида тарбияланувчини қабул қилиш;

б) боланинг муассасада бўлган даврида тарбияланувчининг ҳаётини муҳофаза қилиш, жисмоний ҳамда психик соғлиғини таъминлаш, ривожланишидаги нуқсон (оддий) ва камчиликларни бартараф этиш, ижодий қобилиятлари ва қизиқишларини ривожлантириш, ривожланиш ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда, унинг шахсига алоҳида ёндашишни таъминлаш, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига, риоя қилиш;

в) педагог кадрлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилишни таъминлаш, тарбияланувчи ва ота-онанинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, уларга кўмаклашиш, тарбияланувчини турли тазйиқлардан ҳимоя қилиш;

г) муассасада мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларининг тўлақонли бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва тавсия этилган дастурлар асосида мактаб таълимига сифатли тайёрлаш;

д) илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш бўйича зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш;

е) тарбияланувчига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, даволовчи-профилактик тадбирлар (режа асосида профилактик эмлаш, соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда тор мутахассислар томонидан тиббий кўрик) ўтказиш;

ж) тарбияланувчида ўқишга интилиш ҳиссини уйғотиш, уларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш;

з) ота-оналар томонидан тарбияланувчи муассасага вақтинча қатнамаган кунлари учун ариза (билдиришнома, тасдиқловчи хужжат асли ёки факс, электрон почта орқали юборилганда) тақдим этилган ҳолларда бадал тўловларни ҳисобламаслик;

и) белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари асосида сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

к) тарбияланувчига тегишли бўлган нарса ва буюмларни тўлалигича сақлаш;

л) ота-оналар ёки уларнинг қонуний вакиллари билан тарбияланувчини қабул қилиб олиш ва уларга топшириш;

м) ота-оналарни муассаса устави, кун тартиби, таълим-тарбия дастурлари, муассиснинг манзили ва телефони ҳамда таълимни бошқарув идораси билан таништириш;

т) муассаса томонидан тарбияланувчи эҳтиёжи ва турли мақсадларни важ қилиб ота-онадан мажбурий тарзда пул йиғиш ва моддий қимматликлар олиб келишни талаб қилиш таъқиқланади.

## **5. Ота-она қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

а) тарбияланувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

б) муассасанинг устави билан танишиш;

в) муассасанинг турли тадбирларида фарзанди билан биргаликда иштирок этиш (байрам эрталиклари, кўриклар, кўнгилочар соатлар, яқуний ва очик машғулотлар ва ҳ.к.) мавсумий чеклов (карантин) ва ҳавфсизлик чоралари қўйилган даврдан ташқари;

г) муассасада тарбияланувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

д) муассасада боласи учун таълим бериш тилини танлаш;

е) муассасада тарбияланувчи таълим-тарбия бериш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини ҳамда боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан

муносабатда бўлиш, шартномада белгиланган шартлар бўйича болага сифатли таълим-тарбия беришни талаб қилиш;

ж) муассасанинг кун тартиби давомида \_\_\_соат дан \_\_\_соатгача бўлган даврда ёки ўзига қулай бўлган вақтда сабаби кўрсатилган ҳолда ёзма билдириш асосида тарбияланувчинини муассасадан олиб кетиш;

з) муассаса раҳбариятини 7 кун олдин хабардор қилган ҳолда шартномани муддатидан аввал бир тарафлама бекор қилиш.

#### **6. Ота-онанинг мажбуриятлари:**

а) мазкур шартнома талабларига қатъий риоя қилиш;

б) педагоглар билан келишмовчиликлар юзага келганда, тарбияланувчилар иштирокисиз зудлик билан муассаса раҳбарияти билан муаммони ҳал қилиш;

в) тарбияланувчини муассасага жойлаштирганда, тегишли ҳужжатлар ва ота-оналар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни (телефон рақамлари, яшаш ва иш жойи ҳақида маълумотномалар) тақдим этиш;

г) тарбияланувчи бетоб бўлганда, зудлик билан муассаса маъмурияти ёки тиббий хамширага хабар бериш ва тарбияланувчи соғайганидан сўнг тиббий маълумотномани тақдим этиш;

д) тарбияланувчининг муассасадаги таъминоти учун ота-оналар тўловини ўз вақтида тижорат банклари орқали нақд пул ёки нақд пулсиз (банк пластик карточкалари орқали ва пул ўтказиш йўли билан) шаклда тўлаш ҳамда тўловнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини муассасага тақдим этиш;

е) агар тарбияланувчи жорий ойнинг 15-санасидан кейин муассасага келган тақдирда таъминот учун тўловни у келган кундан бошлаб 3 кун ичида тўлаш;

ж) тарбияланувчи муассасага вақтинча қатнамаган кунлари учун муассаса раҳбариятига ариза (билдиришнома, тасдиқловчи ҳужжат асли ёки факс, электрон почта орқали юбориш) тақдим этиш;

з) муассаса ишчи ходимлари ва тарбияланувчилар ва уларнинг ота-оналарига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

и) тарбияланувчининг тўлақонли овқатланишини, уларда шахсий гигиена кўникмалари шакллантирилишини қатъий кузатиб бориш ҳамда тарбияланувчини муассасага тоза-озода кийинган ҳолда олиб келиш;

к) тарбияланувчининг туғилган куни ва бошқа тадбирларни нишонлаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва пишириқларни муассасага олиб кирмаслик;

л) муассасага тарбияланувчини ҳар қандай қимматбаҳо тақинчоқлар, уяли алоқа воситалари ва бошқа техника воситалари билан олиб келмаслик, ушбу

ҳолатлар кузатилганда муассаса маъмурияти уларнинг йўқолиши оқибати юзасидан жавобгар бўлмайди;

м) яшаш жойи ёки телефон рақамлари ўзгарган тақдирда, муассаса раҳбарияти ва гуруҳ тарбиячисига бу ҳақда хабар бериш;

н) болани муассасадан олиб кетишни бегона шахсларга топширмаслик;

о) эрталабдан болада касаллик ҳолатлари кузатилган тақдирда муассасага олиб бормасдан шифокор кўригидан ўтказиш.

### **III. ТЎЛОВ (ҲИСОБ-КИТОБ) ТАРТИБИ**

7. Муассасада тарбияланувчининг бўлган даври учун бир ойлик бадал тўлови \_\_\_\_\_ сўм; агар ота-онанинг икки (2) ёки ундан ортиқ болалари муассасага қатнаган тақдирда бадал тўлови \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади.

Бунда: бир оилада икки ва ундан ортиқ болалар турли муассасаларга қатнаса, ота-она тегишли равишда бир муассасадан бошқасига фарзандларининг бошқа муассасага қатнаши тўғрисидаги маълумотномани ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан оиланинг аъзолари ҳақидаги маълумотномани тақдим этишлари лозим.

8. Муассасадаги болалар таъминоти учун тўланадиган бадал тўлови миқдорлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзгарган тақдирда бу ҳақда муассаса маъмурияти тарафидан ота-оналарга ёзма равишда маълум қилинади ҳамда кўшимча келишув шартнома тузилади.

9. Муассаса ота-онадан тарбияланувчи учун тўланадиган бадал тўловини жорий ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан амалга оширилишини талаб қилиши лозим.

10. Тарбияланувчининг муассасага узрли сабабларга кўра, яъни кетма-кет 3 кундан ортиқ касаллиги ёки оила аъзоларининг касаллиги (карантин), ота-онасининг меҳнат ёки бошқа таътилда бўлганлиги сабабли келмаган кунларига тўловни қайта ҳисоблаш фақатгина юқоридаги ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда амалга оширилади.

11. Ота-оналардан бирининг ишдан (ўқишдан) бўш вақти даврида ёки бошқа сабабларга кўра тарбияланувчимуассасага келмаслигига ота-оналардан бирининг сабаби кўрсатилган ҳолда муассаса раҳбарияти номига олдиндан ёзган аризаси (билдиришномаси) асос бўлиб ҳисобланади. Бунда боланинг бир йилда кўпи билан 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатгача муассасага келмаслигига рухсат берилади.

Тарбияланувчи сабабсиз уйда қолган ҳолатларда ота-она тарафидан тўловлар умумий асосларда тўланади.

12. Тарбияланувчи учун тўланадиган бадал тўлови ойнинг 15-санасидан бошлаб икки ҳафта мобайнида узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда, шартнома бекор қилиниб, тарбияланувчи муассасадан четлаштирилади;

13. Қарздорлик келиб чиққан кундан бошлаб 60 календарь куни мобайнида муассасадаги тарбияланувчи таъминоти учун мавжуд бўлган қарздорлик қопланганда, тарбияланувчи ушбу муассасага тикланади, кўрсатилган муддатдан ўтиб кетган тақдирда муассасага болани қабул қилиш умумий асосларга кўра амалга оширилади.

Тарбияланувчининг муассасага қатнаши вақтинча ёки бутунлай тўхтатилиши тўғрисида ота-онанинг ёзма аризаси бўлмаган ҳолларда тўловни тўлиқ ой учун ҳисоблаш ва умумий асосларда ундирилади.

Тарбияланувчини муассасада тўлов тўланган даврдан ортиқ муддатда бўлишига ушбу ой учун тўловнинг қолган қисми тўлангандан сўнг йўл қўйилади.

Ота-онанинг олдиндан берган ёзма аризасига асосан, боланинг мактабгача таълим муассасасига қатнаши бутунлай тўхтатилган тақдирда, тўлов тўлиқ бўлмаган ой учун, яъни тарбияланувчи амалда муассасага қатнаган кунлар учун тўланади.

#### **IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

14. Тарафлар ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолатларда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

#### **V. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ**

15. Тарафлар шартномани ўзгартириш ва бекор қилишни мазкур шартномада назарда тутилган ҳолларда ва амалдаги қонунчилик асосида амалга ошириши мумкин.

16. Мазкур шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга қарор қилган тараф, бу ҳақда қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориши шарт.

17. Шартнома бажарилишини бир тарафлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир тарафлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларига асосан йўл қўйилади.

#### **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

18. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

19. Мазкур шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда тузилиб, тарафлар имзолаган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

20. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

21. Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

22. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар амалдаги қонунчилик тартибида ҳал этилади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

23. Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни энгиб бўлмайдиган куч, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар туфайли мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

24. Содир бўлган форс-мажор ҳолатлари тўғрисида тарафлар бир-бирларини ушбу ҳолатлар юз берган ҳолда зудлик билан ёзма ёки оғзаки тартибда хабардор қилиши шарт.

25. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини давомийлигини ҳисобга олиб шартномани амал қилиш муддатини узайтиришлари мумкин.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

26. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 20\_\_ йилнинг \_\_\_\_\_ кунига қадар амал қилади.

22. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди, икки нусха бир хил юридик кучга эга, муассаса ҳамда ота-оналарда бир нусхадан сақланади.

## IX. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

<b>Муассаса Юридик</b>	<b>Ота-она Яшаш</b>
манзили: _____	манзили: _____
_____	_____
Банк реквизитлари: _____	Паспорт маълумотлари: _____
МФО: _____	_____
СТИР: _____	_____
ХХТУТ: _____	_____
_____	_____
(имзо, мухр) (Ф.И.О.)	(имзо) (Ф.И.О.)

Шахсан шартноманинг 1-нусхасини олдим \_\_\_\_\_  
«\_\_» \_\_\_\_\_ 20 йил

Муассаса Устави билан танишдим: \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_  
Ф.И.О. ИМЗО